1991 – 1998
7
МУСТАҚИЛЛИК

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 15 август, шанба • № 96 (22.333).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Кексаларга эҳтиром рамзи

Ҳурриятимизнинг етти йиллик байрами тантаналари яқинлашгани сайин азиз диёримиз ҳаётида бир-биридан қувончли воқеалар содир бўлмоқда. Эришган ва эришаётган катта-кичик саодатларимиз эркинлигимизнинг етти йиллигига тухфадир.

Жумладан, газетамизнинг шу йил 6 август сонида Урганч шаҳридаги энг кекса оқсоқол Болтабой бобо Давлатовнинг муҳтарам Президентимизга миннатдорлик мактуби ва мувашшаҳи чоп этилган эди.

Таҳририят шу муносабат билан юртдошларимиздан кўплаб хатлар олди. Мактубларда Болтабой бобонинг сўзлари бутун ватандошларимизнинг дил изҳори эканлиги эътироф этилади. Болтабой бобо: «Ҳурматли Ислом Каримов! Она юртимиз Туронзамин бобомиз Амир Темур замонасида гуллаб-яшнаган бўлса, ҳозир Сизнинг даврингизда ҳам янада обод ва маъмур, тинч ва осойишта, қудратли ва кўркам бўлиб бормоқда», — дея ёзган эди. Шунингдек, хатда истиқлол йилларида маънавий ва миллий қадриятларимиз қайта тиклангани, фуқароларга кўрсатилаётган ғамхўрлик учун кекса авлод вакиллари номидан йўлбошчимизга ташаккур изҳор этилади.

Яқинда вилоят ҳокимлиги вакиллари, ижодкорлар, қон-қариндошлар жам бўлишиб, 95 ёшли табаррук отахонни қутлаш учун у кишининг хонадонига ташриф буюришди. Президентимиз Ислом Каримов эҳтиром ила Болтабой бобо номига йўллаган табрикнома ва қимматбаҳо совғаларни юксак тантана билан топширдилар. Болтабой бобо Давлатов давлатимиз раҳбарига эътибор ва ғамхўрлик учун миннатдорлик билдирди. Кўп йиллардан буён кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келаётган мумтоз шоир Огаҳий ғазалларининг нодир қўлёзмасини йўлбошчимизга туҳфа этди.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Қадимий ҳумо қуш тимсоли

Қорақалпоғистон ҳудудида олиб борилган қазилма ишлари вақтида антиқа ёдгорлик топилди. Нукус туманидаги Кердер қалъасидан ўрта асрларга тегишли сополдан ишланган товоқда ҳумо қушининг рангли сиймоси борлиги маълум бўлди. Бу асориатиқага хос топилмани Ажниёз номли Нукус давлат педагогика институти тарих-ҳуқуқшунослик факультетининг талабаси Бердақ Пирназаров топди. Ҳозир талабалар бу товоқнинг ясалиши, унга қандай қилиб ҳумо қушининг сурати чизилгани, ранглар жилоси тарихини ўрганмоқдалар.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ

Битим ратификация қилинди

Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари тобора мустаҳкамланиб, ривожланиб бормоқда.

Люксембург ҳукумати Европа Иттифоқи Кенгашига Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасидаги Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни ратификация қилиш жараёнини тугатганини маълум қилди. Мазкур Битим Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан 1996 йилнинг июнь ойида Флоренцияда имзоланган эди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон билан Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ўртасидаги барча соҳаларда яқин алоқаларнинг ҳуқуқий негизини белгиловчи Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим бугунга келиб Европа Иттифоқининг ўн иккита аъзо давлати томонидан ратификация қилинди.

«Жаҳон» ахборот агентлиги

Оилани асрамоқ — оламни асрамоқ

XX аср мўъжизаларидан бири бўлган ойнаижаҳон ҳар куни ҳар биримизнинг назар-эътиборимизга оламни намойиш этади. Биз бунга ўрганиб қолганмиз, чунки биз ўз ташвиш-қувончларимизни унутиб бўлак юртлар, халқлар тирикчилигию-ташвишларидан ҳам огоҳ бўлгимиз ва уларга ғойибона таскин бергимиз келаверади. Оламда эса ҳамишагидек кўз кўриб қулоқ эшитмаган янгидан-янги воқеа-ҳодисалар, биз кутган ва кутмаган кашфиётлар, байрамлару фожиалар юз бераверади. Бирини кўриб кувонсак, бошқа биридан қайғуга чўмамиз...

Аслида, аёл — унга боғлиқ равишда ҳаётнинг ёруғ, мусаффо жиҳатлари, гўзалликлари ҳақида сўз юритмоқчи эдим, лекин надоматлар бўлғайким, бир бутунликда яралган бу олам бус-бутун ёруғлик ва ё бус-бутун гўзалликдан иборат эмас...

Мен бир аёл ҳақида: «Шу аёл хунук-а, шундай эмасми?» — дея аёлларча муғомбирона берган саволимга бир танишим эркакларча мардонаворлик билан: «Мен аёлнинг хунугини кўрмаганман, аёл кишини хунук дейишга ҳаттоки тилим ҳам бормайди», деб жавоб берганди. Чиндан ҳам бундоқ диққат қилиб қарасангиз ҳар бир аёлнинг — ташқи қиёфаси қандайлигидан қатъи назар ўзига хос хислат-фазилати, ўзига хос жозибаю афзаллиги бор.

Аслида аёл дегани — нафосат, жозиба, садоқат, вафодир. Булар эса хунуклик ўлчамига сингмайди.

... Таҳририятимизга ёш болани бағрига босганича бир эркак кириб келди. Мақсадини шундай баён этди у:

— Хотиним билан уч фарзанд тарбиялаб, ўстираётган эдик. Бир куни ишдан келсам, уйда чақалоқ инга-ингаси... «Бу қайдан келиб қолди?» — деб сўрадим хотиндан. «Бекатда турганди, бир қиз шуни ушлаб туринг, ҳозир келаман, деб ғойиб бўлди. Роса кутиб ўтирдим, келавермади, уйга кўтариб келавердим», — деди хотиним жилмайиб. Сал ширакайф эдим. Бунинг устига чарчаган, асабларим ҳам қақшаган эмасми, хотинимнинг ўзбошимчалигидан жаҳлим кўзиб кетди: «Йўқот, бу болани, йўқотмасанг шу бола билан бирга ўзинг ҳам йўқол», — дедим, сўкиндим ҳам. У болани бағрига маҳкам босганича ғинг демади. Мен лол ва ҳайрон эдим, чунки менинг йўриғимга юрадиган аёл гап шу болага келиб тақалганда, сўзимга кирмади. Биласизми, уни кейин тушундим. Гапимга кирмай яхши қилган экан ўзиям. Қаранг, қандай той болага айланди, ўша гўдак. Энди шу ўғлимсиз ҳеч бир кунимни тасаввур этолмайман. Чарчаб ишдан қайтаманю, бағримга олиб босишим билан вужудимга роҳат қуюлиб келгандай бўлади. Биринчи сўзи «дада» бўлди. Ўзимни нақ еттинчи осмонда ҳис қиламан. Мақсадим шу газетангиз орқали ўша қилмишим учун хотинимдан кечирим сўрасам дейман...

Халқимизнинг оилапарварлиги, оилани энг муқаддас кошона сифатида кўриши, унинг яна бир афзал хусусиятидир. Юртбошимиз томонидан 1998 йил «Оила йили» деб эълон қилинганидан сўнг, Вазирлар Маҳкамаси қарорига кўра, оила манфаатларини таъминлаш борасида Давлат дастури қабул қилинди. Мамлакат миқёсида қаторқатор тадбирлар амалга ошириляпти. Жумладан, жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланган оилага бугунги кунда муносабат том маънода ўзгарди, диққат-эътибор ошди. Оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий манфаатларини ҳимоя қилишни кўзлаган «Оила» илмий-амалий маркази ташкил этилди.

Матбуотда шундай фактлар эълон қилинганди: турмуш даражаси бошқа мамлакатлардан кўра энг юқори поғонани эгаллаган Америка фуқаролари ҳар йили ўзга юртлардан бир неча юз минглаб болаларни фарзандликка қабул қилиб олишар экан. Бу болаларнинг аксариятини хорижликлар ташкил этар экан. Ҳайрон қоласан киши, бири тараққиёти ривож топган мамлакат бўлса, бири эса... Нега шундай ҳолат юзага келди экан? Ўзгалар фарзандини олиб ўстириб, тарбиялаш савоб иш, инсонпарварликнинг олий кўриниши, албатта. Америкаликларни тушунишга ҳаракат қилмоқчи бўлдим. Лекин бой ва фаровон ҳаёт кечирсангу ўз-ўзингни, авлодингни давом эттирувчи ўз жигаргўшангни эмас, ўзгалар фарзандини олиб камолга етказсанг. Бу дунёдан оталик ва ё оналик бахш этгувчи инсонийликнинг энг ҳузурли лаззатидан бенасиб ўтсанг. Масаланинг иккинчи томонини ҳам мен тушунишга ҳаракат қиламану, лекин танамга сиғдира олмайман. Яшнаб, кўкариб, ўсиб келаётган — томирида аждодларининг қони кўпириб тошиб турган зурриёдингни ўзгабегона юртларга қўшқўллаб бериб юборсанг... Яна мен баъзи бировларни тушунолмайман — фарзанд туғиб, ўстириш ўрнига мушукларни, кучукларни ялаб-юлқашади, севикли ҳайвонлари учун ҳамма шарт-шароитларни яратиб беришади, ҳатто ягона «меросхўр» сифатида ҳужжатлаштириб ҳам қўйишади.

«Эй, бу дунёда, ҳар ким — ҳар нарсага мубтало. Бировлар билан нима ишинг бор» — дердилар, нималардандир, кимлардандир хафа бўлиб, хунобим ошиб юрган кезларимда аям раҳматли...

Бу — қайтар дунё дейдилар... Мустақил юртимизда Оилага — Аёлга — Фарзандларимизга борингки, ҳар бир одамга кўрсатилаётган эътибор, эъзоз келажакда ўз самарасини бермай қўймайди. «Биздан озод ва обод Ватан қолсин» — деганларидек юртбошимиз ишончу эътиқод билан. Иншооллоҳ, шундай бўлғусидур.

Дилбар САИДОВА,
«Оила ва жамият» газетаси бош муҳаррири

Чортоқ «оҳанглари»

Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар

АФҒОНИСТОН воқеаларига доир

Жаҳон оммавий ахборот воситаларининг маълумотларига қараганда, Афғонистон толиблари куни кеча яна учта шаҳарни — Пули-Ҳумри, Боғлон вилоятига қарашли Наҳрин шаҳри ва Ҳайратон дарё бандаргоҳини босиб олган.

Толибон ҳаракатининг ҳарбий кучлари Афғонистон марказида жойлашган Бомиён вилоятидаги Ҳезби-Ваҳдат номли шиалар гуруҳи истеҳкомларини ҳаводан ялпи ўққа тутмоқда, деб хабар берди 14 август куни «Озодлик» радиоси. Вилоят маркази аланга ичида қолган. Айни пайтда, Кобул радиоси овоза қилганидек, толиблар «ўзларига қарши турган коалиция устидан ғалабани мустаҳкамлаш ҳамда сўнгги қарама-қаршилик ўчоқларини бостириш» мақсадида Кобул ва Қандаҳордан қўшимча қуролли бўлинмаларини мамлакатнинг шимолига кўчираётир.

Учта асосий шаҳар — Ҳайратон, Тошқўрғон ва Пули-Ҳумрининг Толибон кучлари томонидан босиб олиниши коалиция дала қўмондонларидан айримларининг хиёнаткорлиги туфайли ва ўта масъулиятли паллада уларнинг толиблар томонига оғиб кетганлиги оқибатида юз берган. Шимолий иттифоқнинг ҳарбий бошлиқларидан бири — Устод Оға Мохаккек ана шундай фикрда. У, хусусан, Гулбиддин Ҳикматёрнинг Афғонистон Ислом партиясидаги собиқ сафдоши Башир Боғлонийни шундай хоинликда айблади, дейилади Россиянинг «Новости» ахборот агентлиги хабарида. Мохаккек, шунингдек, ўз ихтиёридаги ҳудудларнинг сезиларли қисмини қўлдан бериб қўйган бўлса-да, шимолий иттифоқ «яксон бўлгани йўқ» ва «толиблар босқинига қарши» ҳамда «Афғонистон бирлиги йўлида» ҳали курашни давом эттиришга қобил, деб ишонч билдиради.

Худди шу ахборот агентлигининг бошқа бир хабарларида қайд этилишича, Толибон ҳаракати вакили Абдул Мутмаин шимолий иттифоқ қўмондонларининг хоинлиги тўғрисидаги гап-сўзларни инкор қилган. Унинг айтишига қараганда, Пули-Ҳумри шаҳрини, масалан, толиблар ҳеч қандай ҳужумсиз, «шаҳар аҳолисининг ихтиёри билан» қўлга киритишган. Абдул Мутмаиннинг фикрига кўра, Пули-Ҳумрининг забт этилиши толибларга бутун мамлакат устидан назорат қилиш имкониятини яратади. «Энди Бомиёндаги ҳазарийлар билан ҳисоб-китоб қилишгина қолди, холос», дейди Толибон вакили.

«Афғонистонда уруш ҳали тугагани йўқ ва халқ толибларга қарши курашни давом эттираверади». Бурҳониддин Раббоний Теҳрон радиосига интервьюсида ана шундай баёнот берди.

Раббонийнинг таъкидлашича, унинг қуролланган тузилмалари мамлакатнинг «муайян қисмлари»ни ўз назоратида сақлаб туришни давом эттирмоқда. Шунинг баробарида, у Афғонистоннинг «ҳаётмамоти» учун хизмат қилиши мумкин бўлган «кенг кўламли» ҳукумат тузиш тарафдори эканини айтди.

Собиқ Бош вазир Гулбиддин Ҳикматёр ҳам Афғонистонни ўта танг вазиятдан чиқаришнинг ягона чораси — мамлакатда «халқ ишончига асосланган кенг кўламли ҳукумат» тузишдан иборатдир, деб ҳисоблайди. Агарки толиблар бу йўлдан бормас экан, у ҳолда «биз уларнинг босқинчилик режаларига қарши партизанлик урушларини бошлаб юборамиз», дейди Теҳрон радиоси орқали баёнотида Ҳикматёр.

Собиқ Бош вазир ўз мамлакати аҳолисини толибларни — «ўзга ерликларга тамомила қарам» бўлган «уруш тарафдорлари»ни қўллаб-қувватламасликка, уларга ҳеч қандай ёрдам кўрсатмасликка чақирди. Ҳикматёр таъкидладики, мабодо толиблар мамлакатни куч билаш ушлаб туришларига ишонсалар — улар қаттиқ янглишадилар. Тарих гувоҳки, ҳали ҳеч ким ҳеч қачон Афғонистонни қурол ёрдамида бошқара олмаган, деб айтди у.

Генерал Абдурашид Дўстиммнинг баёнот беришича, у «янги кураш»да ҳозирги вақтда ўз қўшинларини «гуруҳларга қайта тақсимлаётган ҳамда келгуси ҳужумларга шайланаётган» Аҳмад Шоҳ Маъсудга катта умид боғламоқда. Генералнинг Эрон ахборот агентлигига берган хабарига кўра, Ҳайратон-Тошқўрғон довонида Бирлашган ислом фронти кучлари билан Толибон отрядлари ўртасида қақшатқич жанглар боряпти. Ана шу жанглар чоғида Толибон жангариларининг жуда кўп сонли қисми, жумладан, толибларнинг юқори лавозимли бир неча командирлари ҳам ўлдирилган ва ярадор қилинган. Бирлашган ислом фронти кучлари пайшанба куни эрталаб танклар ва оғир артиллерия қўмагида Ҳайратон-Тошқўрғон довонини тўсиб қўйдилар ҳамда тоғларда ҳукмронлик мавқеини қўлга киритдилар.

Толиблар қўмондонлиги довондаги ўз кучларининг ҳолати тўғрисида сукут сақламоқда. Аммо маҳаллий аҳолининг тасдиқлашича, Ҳайратон-Тошқўрғон йўли тўсиб қўйилган ва довон томонидан артиллерия отишмаларининг садолари эшитилиб турибди.

Кеча Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгаши «толибларнинг мамлакат шимолидаги босқинчилик ҳаракатлари оқибатида Афғонистонда қуролли можаронинг давом этаётганлиги муносабати билан чуқур ташвишда» эканини маълум қилди.

Хавфсизлик Кенгаши томонидан халқаро ҳамжамиятнинг хоҳиш-истагини, шу жумладан, кенгаш раисининг Афғонистондаги вазият бўйича 6 августда берган баёнотини толиблар назарга илмаётганликлари танқид қилинди. Маълумки, ана шу баёнотда кўрсатилган — ҳеч қандай шартларсиз зудлик билан отишмани тўхтатиш ҳақидаги талаблар бажарилганда, жанговар ҳаракатларни тўлалигича бартараф этиш имконияти юзага келар эди.

Жаҳон оммавий ахборот воситалари материаллари асосида Ғулом МИРЗО тайёрлади

Занжирнинг заиф ҳалқаси

Маънавият муаммолари

Таҳририятимизга мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келаётган хатлар оқими тингани йўқ. Мавзуларнинг рангбаранглиги — турмушимизда учраб турган ютуқлар ва камчиликларни қамраб олган. Навбатдаги хатларни саралаётган пайтимизда Фарғона вилояти, Ёзёвон туманидаги Сойбўйи қишлоғида яшовчи фуқаро Нурбек Раҳимовнинг бизга йўллаган мактуби эътиборимизни тортди.

Муаллиф Сойбўйи қишлоғи тумандаги энг йирик қишлоқлардан бири бўлса-да, оммавий ахборот воситалари билан савдо қилувчи шаҳобчаларнинг ташкил қилинмагани ҳақида қуйиниб ёзади. . «Турмушни маънавиятсиз тасаввур қилиш қийин, — дейди Нурбек ака, — Инсон маънавиятни газета-журнал, китоблардан олади». Муаллиф ҳақ. Фақаттина маънавиятни эмас, балки жамиятимизда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларни, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ўзгаришларни ҳам тарғиб қилишда қундалик газеталар етакчи қучдир. Баъзи давраларда юқори доира билан пастки бўғин орасида узилиш бор деган гаплар қўзғалиб қолади. Бунинг сабаби тарғибот ва ташвиқот ишларининг кўнгилдагидек эмаслигида. Қолаверса, мамлакатимиз аҳолисининг катта қисми қишлоқларда истиқомат қилади. Шундай экан, биринчи навбатда жамиятимизда кечаётган юксалиш жараёнларини ўз вақтида аҳоли онгига етказиш, сингдириш долзарб вазифадир. Юртбошимиз маънавий баркамол авлод миллатнинг, давлатнинг обрўси эканлиги, уларни вояга етказиш бугунги куннинг кечиктириб бўлмас, ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларидан эканлигини такрор-такрор таъкидламоқдалар. Шунга қарамай жойларда аҳолини оммавий ахборот воситалари, илмий ва бадиий асарлар билан таъминлаш, савдо шаҳобчалари ташкил этиш ҳаминқадар эканлиги кишини таажжубга солади.

Бозор муносабатларини нотўғри англаш, тежамкорликни пулга боғлаб тушуниш натижасида республикамизнинг кўпгина туман марказларида оммавий ахборот воситалари билан савдо қилувчи нуқталар кескин камайиб кетди. Қишлоқлар ҳақида-ку гапирмаса ҳам бўлади. «Ўзим она тили ва адабиёт ўқитувчиси бўлганлигим сабаб бир пайтлари «Уч илдиз», «Одам бўлиш қийин», «Икки эшик ораси», «Сеҳрли қалпоқча» каби асарлар хусусида ўқувчилар орасида баҳс- мунозаралар ўтказиб турардим. Эндиликда кутубхонанинг хароблиги, газета ва журналларнинг бизгача етиб келмаслиги, савдо дўконларининг йўқлиги сабаб ора йўлда қолдик. Бунга мактаб ҳам эътибор бермаяпти. Бу аҳволда ёшларнинг билим ва маънавияти қашшоқлашади-ку!» — дейди муаллиф.

Хайрият, чекка жойларда Нурбек акадек жонкуяр инсонлар бор. «Туман марказига газета олгани бориб қолсак, шаҳобча сотувчиси уч-тўртта эски газеталарни тутқазиб: янгилари ҳали келмади, деб қўяди. Шаҳобчага эътибор қилсангиз турли-туман чет эл сақичлари, сигареталар ва шунга ўхшаш майда-чуйда тижорат маҳсулотлари билан лиқ тўла эканлигини гувоҳи бўласиз».

Кексалар: пул қўлнинг кири, ювса кетадиган нарса, шаън ва обрў инсоннинг борлиғи, уни ҳеч нарсага алиштириб бўлмайди, дейишарди. Маънавият ҳеч бир замонда пул билан ўлчанмаган, ўлчанмайди.

Юсуф ЖЎРАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг БАЁНОТИ

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва халқи Кения ва Танзанияда Америка Қўшма Штатларининг элчихоналарига қарши ваҳшиёна ҳаракатлар натижасида ҳалоқ бўлганларнинг оилаларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон кўплаб одамларнинг қурбон бўлишига ва моддий зарар етишига сабаб бўлган бу қонли жиноятдан нафратланаётганини билдириб, ҳозирги вақтда турли экстремист кучларнинг асосий қуролларидан бирига айланиб, халқаро тус олаётган ва кескинликни келтириб чиқаришни ҳамда тинчликка қарамақарши туриш мақсадини кўзлаётган террорчилик ҳаракатларини қатъиян қоралайди.

Ўзбекистон ҳукумати жаҳон ҳамжамиятини терроризм ва зўравонликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши қатъий ҳаракат қилишга чақиради.

Тошкент,
1998 йил 14 август.

Истиқлол мушоираси

МАДҲИЯ

Илк баҳор очилган гуллар мисоли,
Очилди халқимнинг бахти осуда.
Минг тўққиз юз тўқсон бирнинг висоли
Тарихда қолгувси эрмас беҳуда.
Юз йиллаб чирмашган, эпкин занжирни,
Парчалаб ташлади марди мардона.
Жаҳонга сас бериб, чулғаб чўл-қирни,
Эркинлик аҳдида жўшди тарона.
Қалбимда буюк бир ўчмас ифтихор,
Наслимиз Темурий, қонда улуғлик.
Ўтмишга боқсинлар майли ихтиёр,
Илмнинг коридан бизга ютуғлик.
Истагим илк кузнинг ушбу айёми,
Ўчмасин абадий, порлоқ қуёшдек.
Юз минг йиллар оша «Истиқлол» номи,
Навқирон бўлсину, куч олсин ёшдек!

Сулаймон ҲАЙДАР,
Касби тумани

Сессия олдидан

Иқтисодий имкониятлар истиқболи

Қашқа воҳаси ўзининг иқтисодий имкониятлари билан алоҳида ажралиб туради. Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, воҳамизда кўплаб ижобий ўзгаришлар рўй берди. Бугунги кунда Шўртан кимё мажмуининг воҳамиз ҳудудида барпо этилиши ҳам келажакда унинг иқтисодий қудратининг янада ошишига хизмат қилади.

Ҳар сафар Муборакка, мамлакатимиз саноатининг гиганти — газни қайта ишлаш корхонасига йўлим тушганда, осмонўпар пўлат қувурлардан кўкка ўрлаётган олов фаввораларига ҳайрат билан тикиламан. Бу ҳудудда кеча ва кундуз ҳаёт қайнайди: она-замин бағридан мўъжизавий маъдан-газ оқади, уни жиловлаган кишилар бир зум бўлсада, тиним билишмайди.

Нуриддин Зайниев ҳар доим ана шу оддий инсонлар орасида. Заводга ташриф буюрган одам ҳамиша у кишини гоҳ у блокда, гоҳ бу блокда ишчи коржомасини кийган ҳолда учратади.

Шуниси диққатга моликки, муборакликлар шундай улуғвор корхонанинг бир дақиқа бўлсада, бирор қисмининг тўхтаб қолишига йўл қўйган эмаслар.

Бунда унинг раҳбари Нуриддин Зайниевнинг тиниб-тинчимаслиги, саховатли қалб соҳиби эканлигини, шу боисдан у кишини муборакликлар, қолаверса, қашқадарёликлар чуқур ҳурмат қилишини такрорлаб ўтириш ортиқча.

Нуриддин ака Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзоси сифатида ҳам эзгу фаолият кўрсатиб келяпти. Партиямиз у кишига юксак ишонч билдириб, Марказий Кенгаш аъзолигига сайлаган эди. Шунингдек, халқимиз катта умид билан уни вилоят Кенгаши депутатлигига сайлади. Халқнинг ишончини қозонишдан ортиқ бахт борми ўзи? Шу боис катта жамоатчилик ишлари зиммасида бўлган корхона раҳбари Муборак, Косон, қўйингки, вилоятимизнинг турли-туман муассасаларига амалий ёрдам кўрсатишга улгурди, вақт топди. Заводнинг ён-атрофида жойлашган қишлоқларнинг газлаштирилишида, «Хитой» қишлоғида 620 ўринли мактабнинг қурилиб ишга туширилишида, маиший хизмат уйларининг барпо этилишида корхона раҳбарининг саховати катта бўлди.

У гигант корхонани бошқараётганига ҳам 6 йилдан ошибди. Шу давр мобайнида ўз соҳасида чинакамига ислоҳотлар ташаббускори бўлди, замонавий раҳбар сифатида шаклланди. Унинг бошчилигида корхонада катта ишлар амалга оширилди.4 та янги блок ишга туширилиб, заводнинг табиий газни қайта ишлаш қуввати 8 млрд.га ўсди ёки 30 млрд кубметрга етказилди. Завод томонидан 200 км.дан зиёдроқ газ қувурлари, 100 км.дан ортиқроқ сув қувурлари ётқизилди.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилишдаги хайрли ишлари-чи! Чунончи, корхонада ишлаётган аёллар учун ҳомиладорлик таътили анча эрта, беш ойликда бериладиган бўлди. Меҳнат кишисини қадрлаш, уни эъзозлаш корхонадаги кундалик ишлардан биридир. Ишчи-хизматчиларнинг республикамиз турли санаторийларида, дам олиш уйларида ҳордиқ чиқаришлари учун кенг имкониятлар яратилган. Шунингдек заводнинг ўз оталиғига олган муассасалари ҳам талайгина. Қамашидаги «Меҳрибонлик уйи», Яккабоғдаги «Қариялар уйи» шулар жумласидан.

Кўпчилик ишига берилган, одамларни яхши кўрадиган ва уларга астойдил ишонадиган инсон Нуриддин Зайниевга яна бир юксак ишонч изҳор этилди: у мамлакатимиз Олий Мажлиси депутати этиб сайланди! Назаримда, бундай юксак ишонч ва ҳурматга, халқона эътиборга фақатгина қалби саховатга тўла шундай инсонларгина эришиши мумкин. Олий Мажлиснинг ўн иккинчи сессиясида депутатлар ҳукмига ҳавола этилган ўн иккита муҳим масала ечимида энди у ҳам ўзининг дахлдорлигини ҳис этажак...

Олим РАВШАНОВ,
Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгашининг ходими.

«Нексия» минишни истайсизми,

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки

— Ҳикматилла ака, суҳбатимиз мамлакатимиз мустақиллигининг 7 йиллиги арафасида бўлаётир. Шуни ҳисобга олган ҳолда, айтингчи, Халқ банки жамоаси ана шу йиллар мобайнида ўз фаолиятида қандай ютуқларни қўлга киритди?

— Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг ўтган давр мобайнида иқтисодиётни соғломлаштиришнинг дастлабки энг машаққатли ва оғир бос-қичини босиб ўтди. Ҳуқуқий ва ташкилий институционал ўзгаришлар тобора барқарорлашмоқда ва мустаҳкамланмоқда.

Умумиқтисодий кўрсаткичлар билан биргаликда тармоқлар, аввало молия ва банк соҳасида амалга оширилган ишлар кўлами ҳам шундан дарак бериб турибди. Мустақиллик йилларида барча банклар қаторида Халқ банки тарихида ҳам жуда катта ўзгаришлар содир бўлди. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йилдаги «Ўзжамғарма банкига молия-кредит муассасаси мақоми бериш тўғрисида»ги ва 1995 йил 4 октябридаги «Ўзжамғармабанкни Ўзбекистон Республикаси Халқ банкига айлантириш тўғрисида»ги 386 сонли қарорларини қабул қилиниши кредит ресурсларидан жисмоний ва юридик шахсларга қарз бериш учун фойдаланиш, шунингдек, кредит ресурсларини банкларароро пул бозорида кимошди савдоси орқали сотиш ҳуқуқи берилди. Банкнинг кичик корхоналар барпо этиш ва уларни ривожлантиришга, фуқароларни давлат мулкини хусусийлаштириб олишларига, уй-жой биноларини қуриш, уларни таъмирлашга ва аҳолининг бошқа эҳтиёжларини қондиришга қарз бериш ва бошқа бир қатор имкониятларни яратди.

Миллий валютамизни жорий қилиш билан боғлиқ бўлган барча тадбирларда Халқ банки фаол иштирок этди. Халқимизнинг Халқ банкига нисбатан ишончи ошиши муносабати билан омонатлар қолдиғи мустақилликнинг дастлабки йилларига нисбатан бугунги кунда бир неча баробарга ортди. Бундан ташқари ҳозирги кунда 1700 дан ортиқ юридик шахсларга тўлақонли банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

Республикада ўтказилаётган ислоҳотларнинг адолатли ва ҳаётийлигини тасдиқловчи бир мисол. 3 миллион нафардан ортиқ омонат эгаларига, уларнинг 1992 йил 1 январига қадар қўйган ва умумий миқдори 35,0 миллиард сўмга тенг бўлган омонатлари индексация қилинди. Ўзбекистон давлати биринчилардан бўлиб омонатлардаги пулларни индексация қилишга қаратилган аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқди, унинг амалда ижро этилишини таъминлашга киришди. Шу тариқа жорий йилнинг 1 август ҳолатига кўра 12 миллиард сўмга яқин маблағ омонатчиларга тўланди.

— Маълумки, Халқ банки — халқ хазиначисидир. Банк ўзининг бу вазифасини қай даражада уддалаяпти ва у қай ишларингизда яққолроқ кўзга ташланади?

— Ҳукуматимизнинг 1995 йил 4 октябридаги «Ўзжамғармабанкни Ўзбекистон Республикаси Халқ банкига айлантириш тўғрисида»ги қарори билан банкимизнинг олдига бир қатор вазифалар қўйилдики, буларни бажариш борасида амалий ишлар қилинмоқда. Қисқа муддат ичида банк бўлимларининг сони 6370 тага етказилди. Ушбу бўлимлар ор- қали аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини жалб қилиш, нақд пулсиз муомалаларни бажариш, коммунал тўловларни, ҳар хил турдаги солиқ ва жарималарни қабул қилиш, аҳолига қимматли қоғозлар, пул-буюм лоте- реяларини сотиш, валюта ҳисоблари бўйича муомалаларни амалга ошириш каби 80 турдан зиёд бўлган банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Халқ банки ходимлари буни чуқур ҳис этган ҳолда, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам пулларини тўлаш, болали оилаларга нафақаларни тарқатиш, индексация пулларини тарқатиш, пенсияларни тарқатиш каби вазифаларни сидқидилдан бажариб келмоқда. Хусусан, 1998 йилнинг 6 ой якуни билан кам таъминланган фуқароларга 1250 миллион сўм, 6421,6 миллион сўм болалар нафақа пуллари тарқатилди. Бундан ташқари, 2153 корхона ва ташкилотларнинг 768,6 минг ишчи-хизматчиларига 1613,9 миллион сўм миқдордаги иш ҳақлари тарқатилди. Йил бошидан буён 2 миллиард сўмга яқин ҳар хил турдаги лотерея билетлари, 56 миллион сўмдан ортиқ ХИФ акциялари сотилди.

— Биласиз, бундан ўн-ўн беш йиллар муқаддам, бугун Сизлар ворис бўлган собиқ Жамғарма банкига республикамизда истиқомат қилувчи аҳолининг салкам юз фоизи аъзо эди. 100 сўмми, 1000 сўмми ишқилиб топганини шу банкка ишонарди. Бугун бу ҳолат қандай?

— Саволингиз жуда ўринли. Ҳақиқатдан ҳам собиқ Иттифоқ даврида аҳолининг барча омонатлари собиқ омонат кассаларида сақланар эди. Юқорида қайд қилганимдек, мустақиллик шарофати билан республикамиз банк тизими ҳам тубдан қайта қурилди. Бугунги кунда икки поғонали банк тизими яратилиб, ҳозирги кунда Ўзбекистонда бир қатор тижорат банклари фаолият кўрсатмоқда. Бу эса ўз навбатида хоҳлайсизми, хоҳламайсизми банкларароро рақобатни вужудга келтирди. Бугунги кунда банк тизимини институционал ислоҳ этишда «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ҳамда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши барча тижорат банкларига бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида тўла ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиб берди. Бир вақтлар аҳоли қўлидаги бўш пул маблағлари фақатгина омонат кассалари орқали қабул қилинган бўлса, бугунги кунда бошқа тижорат банклари ҳам аҳолидан маблағларни қабул қилмоқда. Бугунги кунда республика банкларида мавжуд барча омонатларнинг асосий қисми Халқ банки ҳисобига тўғри келмоқда. Банкнинг барча муассасалари томонидан аҳолига таклиф этилаётган банк хизматларини сифат жиҳатидан яхшилаш ва унинг турларини кенгайтириш, омонатларнинг янги турларини жорий қилиш, манфаатдорликни таъминлайдиган фоиз ставкаларини белгилаш ҳамда аҳолига банк хизматларини кўрсатиш соҳасидаги жаҳон тажрибасини ўрганиш асосида банк мижозларига тўлақонли банк хизматларини кўрсатишни асосий мақсад қилиб қўйганмиз.



— Давлатимиз раҳбарининг Фармони билан 1998 йил «Оила йили» деб эълон қилинди. Айтингчи, Халқ банки бу борада қандай ишларни амалга ошираяпти?

Жиззахда яқингинада мустақиллигимизнинг етти йиллиги арафасида бунёд этилиб, ишга туширилган гўзаллик ва саломатлик салонига келган қиз-жувонлар ўзларини шундай ҳис қилишади. Шаҳар аҳолиси учун ушбу маиший хизмат уйининг очилиши катта совға бўлди.

Салонда массаж, косметология, даволаш гимнастикаси, аёллар, эркаклар ва болалар учун мўлжалланган сартарошхона хизмати барчага манзур. Бассейнли сауна ҳам мижозлар хизматида.

Тикув цехи усталари ҳам яхши ишламоқда. Жиззахликлар замонавий модадаги кийим-кечакларни энди тижорат дўконларидан эмас, балки ушбу фирмадан топаётирлар. Келинлар эса тўй кўйлакларига шу ерда буюртма беришаётир. Шу ернинг ўзида қаҳвахона ҳам бор.

Суратда: малакали чевар Нилуфар Ортиқова. Унинг буюртмачилари кундан кунга кўпаймоқда.

Баҳром ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

Қонун ҳамма учун баробар

ХАМ ШИКОЯТ, «ТИЖОРАТ»

Улар хоразмлик меҳмонлар билан ўтиришган эди. Уй эшиги тўсатдан тақиллади. Сариосиё туман Ички ишлар бўлими ахлоқ ишлари нозири Аҳмад Ашуров ҳамда участка нозири Имомберди Икромовлар экан.

— Қани, келинглар...

— Биз меҳмонларни текшириш учун келдик.

Лекин, уй соҳибаси Хонимжон Қораева бунга розилик бермади: — Биз дам олиб ўтирибмиз, ҳеч кимга халал берганимиз йўқ.

Аммо, ички ишлар ходимлари ҳам бўш келишмади. Улар тортишиб қолдилар. Уй эгаларининг ўжарлигидан жаҳли чиққан Аҳмад Ашуров эса Хонимжонни чеккага суриб, уйга киришга ҳаракат қилди. Хонимжон ҳам аноийилардам эмас экан «уйга киришга ҳақларинг йўқ, сизлар ноқонуний ҳаракат қилаяпсизлар», деб қаршилик кўрсатди. Натижада Аҳмаднинг милиция кийими тугмасидан бири узилиб тушди.

Мақсадга ета олмаган ички ишлар ходимлари жаҳл отига минишди. Аввало, бошлиқ номига билдириш хати ёзишди. Сўнгра текшир-текшир бошланди. Натижада, Хонимжон Қораева билан унинг қизи Гуландом Қораева ишига тегишли анча-мунча ҳужжатлар тўпланиб қолди.

Яхшиси, суд ҳулосаси билан танишайлик. Ашуров Аҳмад ва Икромов Имомбердилар ўзаро жиноий тил бириктириб, қилаётган ишларининг қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий наф кўриш мақсадида Қораева Хонимжон ва қизи Қораева Гуландомнинг милиция ходимлари талабларини бажармаганликлари ҳақида маъмурий материал тўплашган. Туман ИИБ бошлиғи рухсатисиз ва туман ИИБ қайд этиш журналига қайд этмасдан қалбаки ҳужжатлар тўплашган ҳамда Қораева Хонимжонга ЖК нинг 219-моддаси 2-қисмини рўкач қилишиб, беш йил қамаласан, деб қўрқитишган. Кўп миқдорда пора берган тақдирда эса ўзининг ишини енгиллаштириб жаримага тўғрилаб юборишга, қизи Қораева Гуландомга тегишли ҳужжатларни эса йиртиб ташлашга ваъда беришган.

Ички ишлар ходимларининг ҳужжатларни журналга қайд этмасликларига нима мажбур қилди? Бунинг устига қалбаки материаллар тўплаш нега зарур бўлиб қолди? Ҳужжатларни, билдириш хатларини текшириш пайтида назорат сусайтирилганлиги-чи? Юқоридаги масъулиятсизликлар, қонунга зид хатти-ҳаракатлар нега раҳбарларни безовта қилмади экан? Бундай беҳисоб саволларни хаёлдан ўтказиб мулоҳаза қила бошлайсан киши: мобода ички ишлар ходимлари софдил кишилар бўлишганида юқоридагидек ноқонуний ишларга ўрин қолмас эдими?

... Хонимжон қонунчилар таъмагирлик билан талаб қилган пулни бериш имкониятига эга эмаслигини англаб турар эди. Аммо, бир илож қилиб ўттиз минг сўм пулни топиш ва икки оёқни бир этикка тиқиб қисталанг қилаётган «қизил шапка»лиларнинг талабини бажо келтиришдан ўзга чора ҳам қолмаган эди.

Гапнинг қисқаси, ички ишлар ходимлари Қораева Хонимжон инъом қилган йигирма тўққиз минг сўм пулни пора тариқасида олишди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идорасининг масъул ходимлари аввалига ўзларининг қадр-қимматига путур етканлиги —Хонимжон Қораева қаршилик қилганида тугмаси ерга узилиб тушганлигидан дарғазаб бўлиб билдириш хати ёзган эди. Аммо Хонимжон Қораева қийин аҳволда қолганлиги — унинг ўзи ва қизи устидан талай материаллар тўпланганидан сўнг эса бошқа йўлга ўтиб олишди. Буни нима билан баҳолашга эса ҳайрон қоласан, киши.

Энди яна бир нарса кишини ўйга толдиради. Ички ишлар бўлимида ишлаётганлар сафида порахўрлар бор экан, қандай қилиб меҳнаткашларнинг қонуний манфаатлари топталмасин? Балки бундай нопок шахслар ўртасида тарбиявий ишлар олиб борилганида юқоридаги каби хунук ҳодисалар юзага қалқиб чиқмаган бўлармиди?

Хайриятки, бунга ўхшаш ҳоллар вилоят прокуратураси ва Миллий хавфсизлик хизмати ходимларининг ғайрати туфайли тезда фош этилаётир. Жиноят устида қўлга тушган ички ишлар ходимлари Аҳмад Ашуров ҳамда Имомберди Икромовлар ҳам ўз айбларига яраша жазо олдилар.

Нормамат САТТОРОВ,
Сурхондарё вилоят суди раиси.
Жовли ХУШБОҚОВ,
журналист.

Ислоҳот ва масъулият

Асосий мезон — истеъмолчи манфаати

Турмушимиз кундан-кунга фаровонлашиб, одамларнинг яшаш тарзи яхшиланиб бормоқда. Масалан, кечагина ёғмой маҳсулотларини навбатда туриб олган аҳоли бугун эмин-эркин сотувдан харид қилишмоқда. Албатта, бунинг барчаси мамлакатимизда бозор иқтисодиёти босқичларидан яхши ўтилаётганидир.

Мухбиримиз мустақиллигимизнинг етти йиллиги арафасида мамлакатимиз халқ хўжалигининг бир тармоғи «Ёғмойтамакисаноат» уюшмасида бўлди. Бошқарув раиси А. Б. ЖАМОЛОВ билан тармоқда юз бераётган янгиликлар, эртанги кун ҳақида суҳбатлашди.

— Ўтаётган йилнинг биринчи ярим йиллигида ўсимлик ёғини аҳолига етказиб бериш қониқарли бўлди, — дейди Азамат Бадриддинович. — Белгиланган 52154 тонна ўсимлик ёғи етказиб бериш топшириғи 52788 тоннага бажарилди.

Айни пайтда 1997 йил пахта ҳосилининг чигитини қайта ишлаш тугаллаб қолинди. Янги ҳосил чигити ёғ заводларига келгунга қадар, аҳолини ўсимлик ёғи билан таъминлаш мақсадида чет элдан 200 минг тонна соя дони валютага келтирилиб, корхоналарда ёғ олинаяпти. Соя ёғи оқсилга бой бўлиб, енгил ҳазм бўлувчи ёғ ҳисобланади. Инсон саломатлигига фойдали бўлганлиги учун Ер шари аҳолиси истеъмол қилаётган ёғнинг 50 фоизини ташкил қилади. Айни кезда эса аҳолига соя ёғининг пахта ёғи билан омухтаси етказиб берилаяпти.

Шунингдек, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида аҳолига 16118 тонна хўжалик совуни етказиб берилди. Маргарин маҳсулоти билан узлуксиз таъминлаш йўлга қўйилди.

Ёғ-мой маҳсулотларини истеъмолчиларга тўғридан-тўғри етказиб бериш учун 1998 йил давомида ёғмой корхоналари қошидаги савдо тармоқларининг иши яхши ташкил қилинган. Шу мақсадда савдо ташкилотлари, вилоят ва шаҳар ҳокимиятлари билан биргаликда 3563 та фирма дўконларида ёғ ва ёғ-мой маҳсулотларини сотиш йўлга қўйилди.

Бундан ташқари бу дўконлар орқали уюшма корхоналари ишлаб чиқараётган минерал сувлар, қадоқланган шифобахш ўтлар, чой, қандолат маҳсулотлари ҳам сотилмоқда.

Соҳа мутахассислари чиқиндисиз технологик жараённи таъминлаш мақсадида бир қатор ишлар олиб бораяпти. Масалан, пахта ёғини тозалаш ва оқлашда ҳосил бўладиган чиқинди соапстокдан ёғ кислоталари ажратиб олиб, дистилляция қилиб хомашё сифатида совунга ишлатилаяпти. Соя ҳамда пахта ёғининг озуқага ишлатилмайдиган экстракциялаш билан олинган ёғлардан эса олиф ишлаб чиқариш «Каттақўрғонёғ-мой» ҲЖ да йўлга қўйилган.

«Урганчёғ-мой» ҲЖда пахта ёғини чиқиндиси соапстокдан ажратиб олинган ёғ кислоталарини фракциялари бўйича ажратадиган цех ускуналар ишга туширилиб тоза пальмитин ҳамда олеин кислоталари олинмоқда. Дистилляция цехларининг чиқиндиси гудронни қуритиш ускуналари ҳам ишга туширилиб, «бурғулаш реагенти» олинмоқда. Бу маҳсулот тоғ металлургияси, нефть қазишда ишлатилади. Шунингдек бу ерда олинаётган олеин кислотаси мамлакатимиз резинатехника саноати ривожланишига ҳисса қўшмоқда.

— Уюшма корхоналарида экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқариш, иккинчидан маҳсулот таннархини пасайтириш учун авваламбор нималарга эътибор берилаётир?

— Бунинг учун ишлаб чиқаришни замонавий юқори самарали асбоб-ускуналар ва янги технология билан таъминлашга тўғридан-тўғри боғлиқдир. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришнинг энг муҳим кўрсаткичи маҳсулот таннархи ҳисобланади. Ўсимлик ёғи, хўжалик совуни, атир совун халқ истеъмоли моллари орасида муҳимлигини эътиборга олиб, маҳсулот таннархини пасайтириш учун ишлаб чиқаришнинг бутун имкониятларини ишга солаяпмиз.

Ёғ-мой саноатида ўрнатилаётган автоматлаштирилган асбоб-ускуналар қўл кучи сарфлашни камайтириши натижасида ишлаб чиқариш самарадорлиги ортди. Хомашё ва ёрдамчи материалларнинг бир неча марта баҳоси ошишига қарамай пахта ёғи, хўжалик ва атир совунларнинг нархи йил давомида ўзгартирмай ушлаб турилди.

— Кейинги йилларда уюшма тасарруфида қандай замонавий жиозланган цехлар ёки ўзаро шерикликка асосланган қўшма корхоналар фаолият кўрсата бошлади?

— Уюшма тасарруфидаги қатор корхоналарда қўшма корхоналар ташкил қилишнинг инвестициялаш дастурини 2005 йилгача амалга ошириш мўлжалланмоқда. Бу борадаги ишлар 1997 йилнинг охиридан бошлаб «Қаршиёғ-экстракция» ҲЖ қошида «Ёғмойтамакисаноати» уюшмаси ва Сингапур компанияси тузган «Қаршиёғ» қўшма корхонаси фаолият кўрсатишдан бошланди. Бу корхонада дезодорация қилинган ёғ 2 литрли полеэтилин идишларига қадоқланаётир. Яна 0,66 литрли полеэтилин идишларида минерал сув қадоқланаётганлиги қувонарли. Муҳими, бу маҳсулотлар дўконлар пештахталарида туриб қолаётгани йўқ.

«Андижонёғ-мой» ҲЖ қошида «Ёғмойтамакисаонати» уюшмаси, Бельгиянинг «Фларус», АҚШнинг «Упланд Энтерпрайз» компаниялари билан таъсисчилигида «Андижон Фларун Ойл Компания» қўшма корхонаси тузилиш арафасида турибди. Бу корхонада ҳам дезодорация қилинган тоза ўсимлик ёғи ишлаб чиқарилиб, 0,6-1,1 литрли полеэтилин идишларига қадоқлаш йўлга қўйилди. Умуман чет эл компанияларининг инвестицияларидан фойдаланиб дезодорация цехларини қуришдан мақсад сифатли ёғ олиш билан бирга экстракция йўли билан олинган техник ёғдан ҳам истеъмол ёғи олиниб, халқимизни ўсимлик ёғига бўлган талабини тўлароқ қондиришдан иборатдир.

— Яқин вақтларда дезодарация ва қадоқлаш цехлари фақатгина «Тошмаргёғ», «Фарғонаёғ-мой», ҲЖларида бўлган бўлса, бугунги кунда «Урганчёғ-мой», «Косонёғ-экстракция» ҲЖларида бундай цехлар фаолият кўрсатмоқда, яқин келажакда эса барча ўсимлик ёғи ишлаб чиқарадиган корхоналарда дезодорация қилинган ва дид билан кичик ҳажмдаги идишларга қадоқланган ёғ ишлаб чиқарилади. Шу мақсадда бугунги кунда бир қатор шартномалар Бельгиянинг «Де Смет», Германиянинг «Лурги», Францияннг «Стека Боттлез» фирмалари билан ўсимлик ёғини дезодорация қиладиган ва қадоқлайдиган асбоб-ускуналар келтириш бўйича тузилди.

Россия мутахассислари билан ҳамкорликда «Урганчёғ-мой» ҲЖда республикада биринчи марта совун ишлаб чиқаришда ишлатиладиган хомашё — пальмитин ва олеин кислоталари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, бу четдан келтириладиган мамлакатимиз учун муҳим хомашёнинг ўрнига ишлатилаётир.

Яна бир янгилик: эндиликда «Тошмаргёғ» ҲЖнинг маргарин цехида Швециянинг «Альфа-Лаваль» фирмасини автоматлаштирилган тизимида қўйма маргарин ишлаб чиқариш Американинг «Джон Браун» фирмасининг ускунасида 200-250 граммли пластик идишларга қадоқланаяпти.

Туркиянинг «Дуйсан» холдинг компанияси республикага 40 миллион доллар инвестиция киргазиб, Қорақалпоғистон Республикасининг «Хўжайлиёғ» заводини замонавий асбоб-ускуна билан жиҳозлаб, кунгабоқар уруғини келтириб дезодорация қилинган ва қадоқланган ёғ ишлаб чиқариши ҳақида келишиб олинди.

Шу билан бирга пахта тайёрлаш 6 миллион тоннадан 4 миллион тоннага камайгач, чигит хомашёси камайиб, корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш пасайди. Бундай шароитда «Ёғмойтамакисаноати» уюшмаси корхоналар билан биргаликда вужудга келган ортиқча ишчи кучини қисқартирмаслик, уларни иш жойи ва ойлик билан таъминлаш учун соҳа учун анъанавий бўлмаган ишлаб чиқаришларни йўлга қўйди. «Бухороёғ-экстракция» ҲЖда чет элдан келтириб ўрнатилган ускунада 1,5 литрли полиэтилин идишларда «Бухорои-шариф» минерал суви қадоқлана бошлади.

Уюшма Аргентинанинг «Суртэ С.А.» фирмасидан шифобахш хушбўй ўтларни ва чойни қадоқлайдиган асбоб-ускуналар сотиб олди. Бу ускуналар «Учқўрғонёғ-экстракция» ҲЖ ва «Марказ» ҲЖ қошида ўрнатилган бўлиб, қадоқланган маҳсулотлар истеъмолчиларга етказиб берилаяпти. Бундан ташқари корхоналарда ишлаб чиқарилаётган казеин, озуқавий спирт, антифриз, тормоз суюқлиги сингари маҳсулотлар ҳам кундан-кунга харидоргир бўлиб бораётир.

«Ўзбекистон овози» мухбири Маъмуржон ҚИЁМОВ суҳбатлашди

МИЖОЗИМИЗ БЎЛИНГ!

бошқаруви раиси Ҳикматилла Юнусов билан мулоқот

Далил ва таҳлил

ти?

— Жорий йилда 1998 йилнинг бош вазифаси деб эълон қилинган оила манфаатларини рўёбга чиқариш бўйича давлат дастурини бажариш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. 1998 йилни «Оила йили» деб эълон қилиниши биланоқ, Халқ банки тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, унинг амалда ижросини таъминлашга киришди. Давлат дастурида Халқ банки олдига қўйилган барча вазифаларни ижроси босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Дастур бўйича жорий йилда махсус индексация ҳисобларидан 10,8 миллиард сўм тарқатилиши кўзда тутилган эди. Бугунги кунга келиб ярим йиллик якунига кўра 5,7 миллиард сўмдан ортиқ маблағ тарқатилди.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни 1 июнда дунёга келган 1009 та болалар номига 756,7 минг сўм омонат дафтарчалари Халқ банки ҳисобидан очиб берилди. Бундан ташқари, Халқ банки бир қатор жамғармалар билан ҳамкорликда чиқарган пул-буюм лотереяларини сотишдан олган даромадлари ҳисобидан кам таъминланган, ногирон ва боқувчисини йўқотган аҳоли қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга сарф қилмоқда.

Шу билан биргаликда Халқ банки муассасалари орқали кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашга қаратилган нафақаларни ва болалар нафақаларини тарқатилиши «Оила йили»да тасдиқланган Давлат дастурига Халқ банкининг қўшган ҳиссаси деб қараш мумкин.

— «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун хизмат қилади» деган иборани қандай шарҳлаган бўлардингиз?

— Ушбу саволингизга юртбошимизнинг яқинда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида «Халқ фаровонлиги — фаолиятимиз мезони» номли маърузасида «... банк ходимлари эса шартнома орқали ишлайдиган хизматчилар бўлиб қолиши лозим. Бир сўз билан айтганда, банкларимизни, жумладан, тижорат банкларини мансабдорлар зўравонлигидан қутқариш зарур» — деб таъкидлаган сўзлари билан жавоб бермоқчиман. Ҳақиқатдан ҳам сир эмас, кўпчилик банкларимизни, айниқса, шу банкда масъул лавозимда ўтирган раҳбар ходимларни бугунги кунда олиб бораётган ишлари талаб даражасида эмас.

Албатта, банк тизимида ислоҳотлар самараси кадрлар масаласига боғлиқ. Шунинг учун кадрлар масаласига асосий эътибор қаратилмоқда. Шу кеча-кундузда бошқарув, унинг ҳудудий муассасаларида мижозларга хизмат кўрсатишни янада яхшилаш, хизмат турларини кўпайтириш борасида тинимсиз иш олиб борилмоқда. Бир сўз билан айтганда «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» — деб хизмат қиляпмиз.

— Халқ банкида кейинги пайтларда жорий қилинган янгиликлар тўғрисида тўхталсангиз.

— Ўтган давр мобайнида Халқ банки тизимида банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва аҳолига кенг тармоқли банк хизматларини кўрсатиш мақсадида, бир қатор банк хизматининг янги турлари жорий қилинди. Аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш ва оила бюджетини тўлдириш мақсадида жорий йилнинг 1 мартидан бошлаб «Оила» ютуқли омонат тури жорий қилинди. Унга маблағлар нақд пул ёки пул ўтказиш орқали ўтказилади. Бу юмушни омонатчининг ўзи ёки унинг вакили амалга ошириши мумкин. Омонатга йиллик талаб қилиб олинадиган омонат ставкаси бўйича фоизлар тўланади.

Янги омонат турининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, омонатчилар фоизлар тўланиши билан бирга, улар қўшимча равишда қўйилаётган маблағ миқдорига қараб 3 хил тоифадаги ютуқлар тиражида қатнаша оладилар. Масалан, 1-тоифадаги тиражда қатнашиш учун камида 50000 қўйилиши керак. Бу тоифадаги ютуқларга «Нексия», «Дамас» ва «Тико» автомобиллари қўйилган. 2-тоифадаги ютуқлар тиражига камида 25000 сўм талаб этилади. Бу тоифадаги ютуқларга «ДЭУ» телевизорлари ва видеомагнитофонлари, «Сино» русумли совутгичлар, автомагнитолалар қўйилган. 3-тоифадагисига эса 5000 сўм кифоя. Бу тоифа бўйича ютуқ эгаларига гиламлар, қандиллар, «Тефал» электр чойнаклари берилади. Омонатнинг яна бир афзаллиги буюм ютуқларидан ташқари, 3000 ва 1000 сўмлик пул мукофотлари ҳам белгиланган.

Халқ банки ходимлари бундан кейин ҳам аҳоли ишончини қозониб, аҳоли манфаатларини кўзлаган ҳолда намунали хизмат кўрсатишни давом эттириб бораверади.

«Ўзбекистон овози» мухбири Ислом ҲАМРО суҳбатлашди

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР



ДУШАНБА, 17

Телетомошабиналар диққатига!

Профилактика мушоҳабати билан душанба, 17 август куни ЎзТВ-1 кўрсатувлари соат 6.30дан 14.10 гача ЎзТВ-III канали орқали намойиш этилади.

ЎзТВ-1

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Олам ва одам».
18.30 «Зилол-98». Фольклор-этнографик ансамбларининг телевизион фестивали.
18.50 «Замон билан ҳамнафас».
19.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7-йиллигига. «Алпомиш от сурган тупроқ». 1-қисм.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.20 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.05 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 «Ҳамма кўриши шарт... эмас». Мусиқий дам олиш дастури.
22.25 «Сиёсат оламида».
22.55 Диққат, премьера: М.Бобоев «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 35-кўй.
23.35 Мустақиллик одимлари.
23.40 «Уйғоқ қўнлар». Кинокўрсатув.
24.00 «Ахборот».
00.25 — 00.30 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.35 «Жаҳон урушларининг махфий архивларидан».
19.05 «Ҳимоя».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Туризм ҳақида».
20.20 «Дилором наволар».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Олтин мерос».
21.30 «Фолти минораси» меҳмонхонаси». Телесериал.
22.20 «Даракчи»(рус тилида).
22.30 Оҳанглар ва эълонлар.
22.45 Кинонигоҳ. «Серқуёш водий таронаси».
00.25 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

6.30 «Ассалом Ўзбекистон!».
8.00 — 8.40 «Таҳлилнома».

*

8.40 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.05 «Бурч». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 5-қисм.
9.55 Мустақиллик одимлари.
10.00, 12.00, 14.00 — Янгиликлар.
10.05 Жаҳон спорти.
10.15 «Омад юлдузи». Телевизион ўйин.
10.50 «Оталар чойхонаси».
11.40 «Инсон ва қонун».
12.05 Кундузги сеанс «Ёввойи оққушлар». Бадиий фильм.
13.35 — 14.00 Ўзбекистон телерадиокомпанияси фингда борман». Ҳужжатли фильм.
21.45 «Акс-садо».
22.20 «Меҳрим дилимда». Мавлуда Ойнакулова қўйлайди.
22.50 Мустақиллик одимлари.
22.55 Диққат, премьера: М.Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 36-кўй.
23.35 «Ахборот».
24.00 — 00.05 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.25 «Еввойи ҳайвонот олами».
19.05 «Кундалик».
19.15 «Болливудга нигоҳ».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Тақдим».
20.15 «Мусиқий меҳмонхона».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Фолти минораси» меҳмонхонаси». Телесериал.
21.50 «Даракчи».
22.00 Спорт қитъаси.
22.30 Оҳанглар ва эълонлар.
22.40 Кинонигоҳ. «Қоинотда йўқолганлар».
00.40 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

17.05 Янгиликлар.
17.10 «Аралаш». Болалар учун ҳажвий киножурнал.

*

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00
17.20 — 20.35

*

21.35 Эълонлар.
20.40 «Сиз уларни танийсиз».

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30

*

21.30 Шарқ киноси. «Бобби». Бадиий фильм(Ҳиндистон).
23.40 — 24.00 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10 — 18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфомоша».
19.05 Телефакт.
19.15 «Тасвир».
19.35 Мусиқий танаффус.
19.50, 21.00 — Эълонлар.
19.55 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.40 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
20.55 Мусиқий танаффус.
21.05 «Жаҳон киноси».
23.05 Хит-коллекция.
23.25 — 23.35 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 19

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Дилрабо тароналар».
8.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Акмал».
9.00 «Ҳамкорлик ришталари».
9.20 М.Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 36-кўй.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
10.30 «Экран зийнати ва муаммолари».
11.00 «Кичкинтой устахонаси».
11.20 «Осон эмас бу майдон ичра...». Адабий кўрсатув.
11.45 «Шумтака». Мультфильм премьераси. 27-серия.
12.05 Мустақиллик одимлари.
12.10 «Акс-садо».
12.40 — 14.00 Кундузги сеанс: «Чипполино». Бадиий фильм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Шоирлар болаларга». Наримон Орифжонов.
18.30 «Тилга эътибор».
18.45 «Ҳисобини билганлар».
19.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига «Алпомиш от сурган тупроқ». 3-қисм.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.05 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Наво таралсин». Мусиқий дастур.
21.45 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига: Н.Абдуллаев. «Мустақиллик дарвозаси». Телевизион театр премьераси. 1-қисм.
22.15 «Ёшлар» телеканали:
«Янги авлод».
«Ёшлар табассуми».
«Кўнгил қолма муҳаббатдан».
23.25 «Ахборот».
23.50 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Трактор» — «Зарафшон».
00.35 — 00.40 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.35 «Жосуслар». Ҳужжатли сериал.
19.05 «Дойче Велле» тақдим этади...
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Хонадон».
20.10 «Истиқлол қўшиқлари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Фолти минораси» меҳмонхонаси». Телесериал.
21.50 «Жаҳон жанговар санъати».
22.05 «Даракчи».
22.15 Оҳанглар ва эълонлар.
22.30 «Кинонигоҳ».
00.10 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

16.35 Янгиликлар.
16.40 Болалар учун «Эртакнамо чоршанба». Кинокўрсатув.

*

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00
17.20 — 20.35

*

20.35 Эълонлар.
20.40 «ТВ Сиз учун».

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30

*

21.30 «Коинот олами». Бадиий фильм.
23.25 — 23.45 «Ахборот»(рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10 — 18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфомоша».
19.05, 21.45 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Чорвоқ манзаралари». Кинолавҳа.
20.00 «Жаҳон».
20.20 «Ўзбекистон — умумий уйимиз» рукнида «Чинор» видеоканали:
«Рангинкамон».
«Дидар».
21.00 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига «Шукрона».
21.05 «Ҳаёт карвони».
21.25 «Ҳамкорлик».
21.50 Кинометограф. «Бу шунақа ўйин».
23.25 Спорт-тайм.
23.55 — 00.05 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 18

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Эй ёр, хуш келибсиз». Мусиқий дастур.
9.10 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Ўйлар муборак, Тошкентим». Премьера.
9.20 М.Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 35-кўй.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.
10.25 Янги алифбони ўрганамиз.
10.55 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» почтасидан.
11.45 «Шумтака». Мультфильм премьераси. 26-серия.
12.05 Мустақиллик одимлари.
12.10 «Дутор ва танбур тароналари».
12.30 — 14.00 Кундузги сеанс: «Мовий тоғлар ёки ҳақиқатан узоқ воқеа». Бадиий фильм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Гаройиб ов». Мультфильм.
18.20 «Бешбармоқ». Тележурнал.
18.45 «Қишлоқ ҳаёти».
19.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига. «Алпомиш от сурган тупроқ». 2-қисм.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.15 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Автоолам».
20.05 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига: «Ватан, буюк севгим». Ҳужжатли фильм.
21.45 «Акс-садо».
22.20 «Меҳрим дилимда». Мавлуда Ойнакулова қўйлайди.
22.50 Мустақиллик одимлари.
22.55 Диққат, премьера: М.Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 36-кўй.
23.35 «Ахборот».
24.00 — 00.05 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.25 «Еввойи ҳайвонот олами».
19.05 «Кундалик».
19.15 «Болливудга нигоҳ».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Тақдим».
20.15 «Мусиқий меҳмонхона».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Фолти минораси» меҳмонхонаси». Телесериал.
21.50 «Даракчи».
22.00 Спорт қитъаси.
22.30 Оҳанглар ва эълонлар.
22.40 Кинонигоҳ. «Қоинотда йўқолганлар».
00.40 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

17.05 Янгиликлар.
17.10 «Аралаш». Болалар учун ҳажвий киножурнал.

*

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00
17.20 — 20.35

*

21.35 Эълонлар.
20.40 «Сиз уларни танийсиз».

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30

*

21.30 Шарқ киноси. «Бобби». Бадиий фильм(Ҳиндистон).
23.40 — 24.00 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10 — 18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфомоша».
19.05 Телефакт.
19.15 «Тасвир».
19.35 Мусиқий танаффус.
19.50, 21.00 — Эълонлар.
19.55 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.40 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
20.55 Мусиқий танаффус.
21.05 «Жаҳон киноси».
23.05 Хит-коллекция.
23.25 — 23.35 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 20

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Кўйла, ёшлигим». Мусиқий дастур.
9.10 «Ҳаёт чашмалари».
9.30 Н.Абдуллаев. «Мустақиллик дарвозаси». Телевизион театр. 1-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига: «Остонаси тиллодан».
10.30 «Алифбо сабоқлари».
11.00 Болалар учун. «Доно бобо даврасида».
11.20 «Шумтака». Мультфильм премьераси. 28-серия.
11.35 «Эл саломатлиги йўлида».
12.05 Ўзбек қўйларидан концерт.
12.35 Кундузги сеанс. «Жиноят қидирув бошлиғи ҳаётидан». Бадиий фильм.
14.10 — 14.30 «Илм — ўзликни билмакдир».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Табиат алифбоси».
18.25 «Таянч нуқтаси».
18.40 «Ажаб саодат эрур...». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25. 20.25, 20.55, 21.50 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Парламент соати».
21.20 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига: «Ўзбекистон — Ватаним маним». Мусиқий дастур.
21.55 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига Н.Абдуллаев. «Мустақиллик дарвозаси». Телевизион театр премьераси. 2-қисм.
22.30 «Сомон йўли».
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати «Бухоро» — «Сўғдиёна».
00.40 — 00.45 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи»(рус тилида).
18.15 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.25 «Эркатой».
18.45 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
19.05 «Буш ўтирма».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 Бир жуфт қўшиқ.
20.05 «Табобат оламида».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иймон».
21.20 «Мумтоз наволар».
21.40 «Мутойиба».
22.00 «Олис ва яқин Ҳиндистон».
22.20 «Даракчи»(рус тилида).
22.30 Оилавий экран. «Темир хотин». 1-серия.
23.35 Оҳанглар ва эълонлар.
23.45 Оилавий экран. «Темир хотин». 2-серия.
00.50 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

17.05 Янгиликлар.
17.10 «Афшона Ибн Сино Ватани». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00
17.20—20.35

*

20.35 «Регистон узра наволар». Фильм-концерт.

*

Россия давлат телевидениеси
21.00—21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Кино сайёраси».
21.55 Ален Делон «Зорро» фильмида.
23.55—00.15 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфомоша».
19.05 «02» тўлқинида.
19.20 «Ҳамшаҳарлар».
19.40 «Ракурс». Бадиий-публицистик кўрсатув.
20.10 «Лаззат».
20.30, 22.20 — Эълонлар.
20.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
21.20 «Замонавий дизайн».
21.40 «Ҳаммаси мода ҳақида».
22.00 «Мусиқий Олимп».
22.25 Киносалон.
00.05—00.15 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 21

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Шарқ тароналари.
8.55 «Ёз қувончлари». Пўлат Мўмин.
9.25 Н. Абдуллаев. «Мустақиллик дарвозаси». Телевизион театр. 2-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва таклиф».
10.30 Мустақиллик одимлари.
10.35 «Жавоҳирлар бўстони». Адабий кўрсатув.
11.00 «Шумтака». Мультфильм премьераси. 24-серия.
11.40 Болалар учун. «Биз улғайиб қолдик».
12.05 Кундузги сеанс. «Эл ардоқлаган артист». Бадиий фильм.
13.25 «Созимда севги васфи». Мусиқий дастур.
14.10 — 14.25 «Томчи».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.35 «Фермер». Телетанлов.
18.55 «Умр мазмуни». Тулан Низом.
19.15 «Мустақиллик бекати».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Омонлик тилаймиз».
20.05 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига. «Юртим мўъжизалари».
21.20 Ўзбекистон халқ ҳофизи Ф. Мамадалиев қўйлайди.
21.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига. Н. Абдуллаев. «Мустақиллик дарвозаси». Телевизион театр премьераси. 3-қисм.
22.20 «Ахборот».
«Мунаввар дунё». Дам олиш дастури:
22.45 «Истиқлол фидойилари».
23.05 «Нақадар тотли сўз — Озодлик» рукнида «Ҳуррият». Бадиий фильм. 3-серия.
23.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати «Насаф» — «Навбаҳор».
00.40—00.45 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Бугуннинг боласи».
18.40 «Бор экан-да, йўқ экан».
19.05 Гиннес-шоу.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Йирик планда».
20.15 «Туйғуларим».
20.20 «Ҳар лаҳзада қўшиқ».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Маслаҳат».
21.25 «Фолти минораси» меҳмонхонаси». Телесериал.
22.15 «Даракчи».
22.45 Бокс. Бокс. Бокс.
23.05 Оҳанглар ва эълонлар.
23.10 Кинонигоҳ. «Катта лўқма».
00.50 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

16.55 Янгиликлар.
17.00 Болалар учун. «Бинафша».

*

Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00.
17.20—20.40

*

20.40 «Кўнгил юртига сафар».

*

Россия давлат телевидениеси
21.00—21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 Оскар совриндорлари: «Муқоваданги қиз». (1944). Бадиий фильм.
23.30—23.50 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфомоша».
19.05 «Таъзим».
19.25 «Наволарда аён этсам».
19.45 «Саломат бўлинг».
20.05, 21.55 — Эълонлар.
20.10 «Морена Клара». Телесериал.
20.55 «Ўй остонадан бошланади».
21.20 «Дурдаршан».
21.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига. «Шукрона».
22.00 Кинематограф. «Плюшчиҳадаги «Уч терак» қаҳвахонаси».
23.20 Араб эстрадаси.
23.50—24.00 «Мунаввар тонг истаб...»

ШАНБА, 22

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Қўшиғим, жон қўшиғим».
9.20 «Зиврат».
9.30 Н. Абдуллаев. «Мустақиллик дарвозаси». Телевизион театр. 3-қисм.
10.00 «Шоҳруҳ» клуби.
10.20 «Шумтака». Мультфильм премьераси. 30-серия.
10.35 «Ёшлар» телеканали
«Сени Ватан кутади»
«Дунё бўлди чаманим маним».
«Газалхон ёшлигим».
«Сизга ўқшагим келади».
«Қалб тароналари».
12.15 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
12.40 Зийнат».
13.00 Кундузги сеанс. «Қонли тош». Бадиий фильм.
14.20—14.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига. «Маънавият». Бадиий-публицистик кўрсатув.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Фламинго».
18.20 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига. «Ҳайрат». Бадиий-публицистик кўрсатув.
18.40 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 20.55, 21.50 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Настарин атри». Барот Исроил.
21.55 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига. Н. Абдуллаев. «Мустақиллик дарвозаси». Телевизион театр премьераси. 4-қисм.
22.25 «Ахборот».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури
22.50 «Мусиқий сайёҳат».
23.10 «Нақадар тотли сўз — Озодлик» рукнида «Ҳуррият». Бадиий фильм. 4-серия.
24.00—00.05 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Боланинг тили».
8.15 «Санта Барбара». Телесериал.
9.00 Спорт қитъаси.
9.25 «Лавжой». Телесериал.
10.15 «Исмлар тарихи».
10.30 Болалар экрани.
12.00 «Билиб қўйган яхши».
12.15 «Мутойиба».
12.35 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
13.25 «Олис ва яқин Ҳиндистон».
13.45—14.05 «Сир».

* * *

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «У ким? Бу нима?»
18.30 Спорт қитъаси.
19.00 «Қонун ҳимоясида».
19.10 «Дилбарим».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55— Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Бизнес-академия».
20.15 «Гулдаста».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Даллас». Телесериал.
21.50 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
22.25 «Даракчи».
22.30 Оҳанглар ва эълонлар.
22.50 Кинонигоҳ. «Чин муҳаббат».
00.30 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
17.55—22.55

*

22.55 Эълонлар.
23.00—23.25 «Минг бир кеча».

ЎзТВ-IV

10.05 «Шанба эртаги».
11.15 «Спектаклдан сўнг».
11.40—12.10 «Кросс Роудс» кафесига хуш келибсиз!» (Инглиз тили ҳамма учун).

* * *

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфомоша».
19.05 «Авторейд».
19.15 «Далил ва шарҳ».
19.30 «Рақслар қанотида».
19.55, 21.55— Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 «Чинсэн».
21.10 «5 дақиқа ўзим учун».
21.15 «Бу ажиб дунё».
21.35 «Хит коллекция».
22.00 Киносалон.
23.40—23.50 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 23

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.10 «ЁШЛАР» телеканали:
«Оқибат».
«Маҳорат».
«Ватанимга хизмат қиламан».
«Қизлар давраси».

* * *

12.20 Н. Абдуллаев. «Мустақиллик дарвозаси». Телевизион театр. 4-қисм.
12.50 Кундузги сеанс. «Бегоналар кириши мумкин эмас». Бадиий фильм.
14.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига. «Тасвирга кўчган кўнгил».
14.25—15.25 «Маҳалламиз болалари». Телемусобақа.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Омад юлдузи». Телеўйин.
18.35 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
18.55 «Мустақиллик одимлари».
19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10— Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).
20.05 «Якшанба оқшомида». Мусиқий дам олиш дастури.
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 Телевизион миниатюралар театри.
21.55 ТВ-I намойиш этади. Телеанонс.
22.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига. Н. Абдуллаев. «Мустақиллик дарвозаси». Телевизион театр премьераси. 5- қисм.
22.40 Спорт дастури.
«Спорт, спорт, спорт».
«Футбол майдонларида».
«Аср мўъжизаси» кинодастури
23.10 «Кино янгиликлари».
23.25 «Жаҳон киноси юлдузлари».
23.45 «Бошпана излаб». Бадиий фильм (Италия).
01.15—01.20 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Бугуннинг боласи».
8.20 «Тақдим».
8.40 «Санта Барбара». Телесериал.
9.25 «Дойче Велле» тақдим этади...
9.45 «Робин Гуднинг янги саргузаштлари». Телесериал.
10.10 «Маслаҳат».
10.30 «Лавжой». Телесериал.
11.20 «Жаҳон жанговар санъати».
11.40 Истиқлол қўшиқлари.
11.50 Болалар экрани.
13.20 Эстрада тароналари.
13.40—14.30 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.

* * *

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Сувости дунёсига саёҳат».
18.30 «Мультипанорама».
19.00 «Бари ҳазил».
19.10 «Жараён».
19.25, 20.00, 20.25— Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).
20.05 «Келгуси ҳафтада».
20.30 «Таҳлилнома».
21.10 «Даллас». Телесериал.
22.00 «Даракчи».
22.10 «Изҳор».
22.30 Миллионлар ўйини.
22.50 Оҳанглар ва эълонлар.
22.55 Якшанба кинозали. «Нух кемаси қоидалари».
00.45 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

17.30 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.35 «Цирк, цирк, цирк».

*

Россия жамоат телевидениеси
17.30—23.00

*

23.00 Эълонлар.
23.05—23.35 «Таҳлилнома» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

9.00 «Хайрли тонг!».
9.30 «Парле ву франсэ?».
9.55 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
11.35 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
11.45 Клип антракт.
11.55 Эълонлар.
12.00 Киносалон.
14.00 Мусиқий Олимп.
14.20 «Иштирок этувчилар».
14.40 Клип антракт.
14.50 «Жонли сайёра».
15.10 Клип-антракт.
15.20 Кундузги сеанс.
16.50—17.10 «Сенинг вақтинг».

*

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

18.45 «Мультфомоша».
19.00, 21.30 — Эълонлар.
19.05 «Кобра». Телесериал.
19.45 Клип-антракт.
19.55 «Хайрли оқшом».
20.25 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига. «Бугунги кун мавзуси».
20.40 «Бурҳлар башорати».
21.50 Клип антракт.
22.00 «Америка, қучоқ оч менга! Шоу программаси.
22.35 Киносалон.
00.30 Жаҳон киноси янгиликлари.
00.55—01.05 «Хайрли тун!».

Марказий Осиёда биринчи, МДҲ да иккинчи

Жаҳонга машҳур «Coca-Cola» компанияси тизими Марказий Осиёдаги йирик газли ичимликлар бозорида истеъмолчиларнинг «Coca-Cola» маҳсулотларига ўсиб бораётган талабини қондириш мақсадида Ўзбекистонда ўзининг бешинчи қуйиш заводини очди.

Ушбу лойиҳа компания тизими томонидан ажратилган 55 миллион АҚШ доллари миқдоридаги инвестицияни ўз ичига олади. 1994 йилдан бери у мамлакатимизга ўз инвестициялари умумий ҳажмини 140 миллион АҚШ долларига етказди. Катталиги жиҳатидан Марказий Осиёда би

O‘ZBEKISTON OVOZI

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 15 avgust, shanba № 96 (22.333).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

Vatanni sevmak iymondandur!

ҚАЙҒА БОРАЙ

Топмайин жонон сани, ман бедаво қайға борай,
Кўзда ёшим шашқатор, дилда наво қайға борай.

Кунлари хуршид бўлибман, кечалар сайёраман,
Хуршид топмай ой жамолин, ман норасо қайға борай.

Додима, фарёдима солмас кишилар бир назар,
Ахтариб ҳар гўшани, мандек гадо қайға борай.

Лутфу-эҳсонинг сани, ғайирларнинг базмида,
Кўрмайин лутфингни бир, бўлдим адо қайға борай.

Сиз мани ҳолим кўриб, айб этмангиз, э дўстлар,
Солмаса ёрим назар, кори Худо қайға борай.

Қилдинг Самуқни, э жонон, ишқ йўлига муфтало,
Бошда ҳушим қолмади, излаб даво қайға борай.

Ўтиб кетди мани солим, танимда қолмади ҳолим,
Ажаб ширин сухан эрдим, тилимда қолмади болим.

Йигитлик мавсуми ўтди, қарилик энди меҳмоним,
Сўрмаслар жўралар ҳолим, сарғайди ранги рухсорим,

Кўнгил измидадур нафсим, етаклаб ул ҳар томона,
Ҳидоят йўлидан қочди, мани танда ширин жоним.

Абас ўтказдим умримни, нечук энди пушаймонман,
Олиб кетди тандан зўрим, манимдан у фалак золим.

Қировдек қариб кўнглим , оқарди сочу-соқолим,
Не ғурбатда қолдим деб, туганмас энди афғоним.

Букиб қаддим дуто бўлди, бошимда энди ғавғолар,
Хилват ичра ётиб ёлғиз, эшитмас ҳеч киши зорим.

Не жафолардур менга, қалбим ошно қилмадинг ё Раб,
Ўзингга ёлборур Самуқ, қолмасин дилда армоним.

Самуққожи СОБИРЖОН ўғли

Зуҳрога айландим...

Кўнгил уйғонганда

Зуҳрога айландим, кўзим ёшида
Ўшал эски сандиқ тинмай лопиллар...
Хаёлга қоқилиб танасиз руҳим
Қирғоқ бўйлаб силкиниб йиғлаб чопқиллар.

Бир умр йиғиниб топганим, ахир,
Эй Худо, боримни қайтиб бер менга!
Етар-эй, умр бўйи чопганим, ахир
Эй Худо, ёримни қайтиб бер менга!

Еллар сандиқни тинмай суради,
Ёйилган сочимга илашар хаслар.
Сандиқми у оққан ё у кўзимдаги чўп?
Дарёми у қочган ё у ҳаваслар?

Бир баланд, бир пастлаб сандиқ лопиллар.
Ичида — бор-будим, оқар жавоҳир.

Қўрқувнинг тишида сочим тишлайман —
Дарё бўйлаб оқар дунё ҳам бир-бир.

Қайда қолди қутқарган ўша балиқчи,
Бой қизи ҳам кўринмас — замон ўзгарган?
Йилт-йилт этганича қалқийди сандиқ,
Гоҳ ўнгга оғади, гоҳо чап томон.

Тахи бузилмаган соф севги оқар,
Шохларга урилиб чайқалар сандиқ.
Орзу-ҳавас оқади, оқади ёр-ёр
Ўтмиш-да оқади юзлари чандиқ...

Минг таваллода сандиқ ушланди —
«Авайлаб очингиз, бунда — жавоҳир!
Худойим! Ёзганларинг наҳот шу бўлса?
Ахир, қани мен кутган хув ўша Тоҳир?!»

Клара ТОЖИБОЕВА,
Тошкент.

Тарихнинг янги варағи

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Тарих институтида Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан Ўзбекистон тарихшунос олимлари олдида турган долзарб вазифалар муҳокамасига бағишланган кенгаш бўлиб ўтди. Кенгашни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Президенти Т. Жўраев кириш сўзи билан очди. Тарих институти директори М. Исҳоқов «Тарих институтининг янги таркиби, устувор илмий йўналишлари ва уларни амалга ошириш тадбирлари тўғрисида» маъруза қилди.

Кенгашда республикамизнинг барча вилоятларидан тарихчи олимлар иштирок этиб, Ўзбекистон тарихи ва ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганиш ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Кенгашда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Рисқиев, Халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев қатнашди.

Бобомурод РАЙИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Сўз ҳавзалари бўйлаб саёҳат



Азиз муштарийлар! Қуйида таърифланган номлар шаклда рақамли хонадан «занжир» ҳолида ёзиб ўйланма ҳал этилади.

1. Ер куррасидаги океанлардан бири. 2. Оқимида йирик электрстанциялар қурилган дарё, Енисейнинг ўнг ирмоғи. 3. Серсувлиги ва ҳавзаси майдонининг катталиги жиҳатидан дунёда биринчи ўринда турувчи дарё. 4. Шарқий Осиёдаги дарё. 5. Алп тоғларидан бошланиб Ғарбий Европа мамлакатларидан оқиб ўтувчи дарё. 6. Болтиқ денгизига қуйилувчи дарё. 7. Ладога кўлидан бошланиб Волга — Болтиқ сув йўлининг бир қисмини ташкил қилувчи дарё. 8. Апеннин ва Болқон ярим ороллари оралиғидаги денгиз. 9. Шарқий Гуржистондаги дарё, Куранинг чап ирмоғи. 10. Қирғизистоннинг шимоли-шарқи, Тянь-Шан тоғидаги дунёнинг йирик тоғ кўлларидан бири. 11. Европа қитъасидаги энг катта кўл. 12. Туркиядаги Бингўл тоғларидан бошланиб Арманистон, Озарбойжон ҳудудларидан оқиб ўтувчи дарё. 13. Муз, қорлардан сув оладиган Фарғона водийсидаги дарё. 14. Хитойнинг шарқий қисмида Тибет тоғлигидан бошланиб Сариқ денгизга қуйилувчи дарё. 15. Оқими бўйида Гамбург, Магдебург, Дрезден каби шаҳарлар жойлашган Европадаги йирик дарё. 16. Қозоғистоннинг Чимкент вилоятидаги дарё, Сирдарёнинг ўнг ирмоғи. 17. Сойлар қуйилишидан ҳосил бўлган, Кавказдаги энг катта тоғ кўли. 18. Эстониядан оқиб ўтувчи дарё. 19. Керчь бўғози орқали Қора денгиз билан туташиб, Атлантика океани ҳавзасига кирувчи денгиз. 20. Жанубий Африканинг Замбези дарёсидаги, дунёда энг катта шаршаралардан бири. 21. Тибет тоғлигининг марказий қисмидаги баланд музликларидан бошланиб, мамлакатнинг муҳим ички сув йўли ҳисобланувчи, Хитойдаги энг катта дарё. 22. Кола ярим оролининг жануби-ғарбий қисми, Мурманск вилоятидаги кўл. 23. Италиянинг ўрта қисмидаги дарё. 24. Марказий Осиёдаги денгиз. 25. Байкал тизмасининг ғарбий ёнбағридан бошланиб Иркутск вилояти ва Ёқутистон бўйлаб оқиб, Лаптевлар денгизига қуйилувчи дунёдаги энг йирик дарёлардан бири. 26. Қирғизистоннинг Ўш вилоятидаги Фарғона тизмасининг қорли чўққиларидан бошланувчи сой. 27. Ҳавзасига 336 дарё қуйилиб, биргина дарё оқиб чиқувчи дунёдаги энг чуқур кўллардан бири. 28. Эльба дарёсининг юқори қисмининг номи. 29. Ёқутистондаги дарё, Ленанинг ўнг ирмоғи. 30. Ғарбий Африкадаги дарё. 31. Катта Кавказ тоғ ён бағрларидан бошланиб, Колхида пасттекислиги орқали Қора денгизга қуйилувчи дарё. 32. Урал дарёсининг чап ирмоғи. 33. Марказий ва Жанубий Америка қитъаси оралиғидаги Атлантика океани таркибидаги ярим берк денгиз. 34. Данялик денгиз сайёҳи номи билан аталувчи, Тинч океани таркибидаги денгиз. 35. Ҳимолай тоғларидан бошланувчи Ҳиндистон ва Бангладешдаги дарё. 36. Ғарбий Африкадаги дарё. 37. Ёқутистондаги дарё. 38. Ҳинд океанининг шимолий қисмида, Ҳинди-хитой ярим ороли соҳилларига туташган денгиз. 39. Шимолий Америкадаги дарё номи билан аталувчи шаршара.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

«Пурҳикмат сатрлар» ўйланмасининг жавоблари:

Очқич сўзлар: 1. Сўз. 2. Шод эт. 3. Чок. 4. Ер. 5. Хат. 6. Замони. 7. Жигар. 8. Фалак. 9. Ғубор. 10. Бунёд. . Дийдор.

Эрта тонг лолага шабнамки тегар.
Чаманда бинафша бўйнини эгар.
Рост айтсам, ғунчадан жуда розиман,
Чунки у кўтармас на этак, на бар.

Рубоийлар таржимони
Шоислом ШОМУҲАМЕДОВ

Қарзинг қанча, қизгина?

Турмуш сўқмоқларида

Қарзни вақтида узинг. Аксинча, қиёмат ва дўзах қайғуси умрингизга завол келтиради.
«Ҳадис»дан

Сочларига оқ оралай бошлаган аёл таҳририятимизга келди-да, саломаликдан сўнг ийманиброқ гап бошлади:

— Газеталарда баъзан жуда ғалати гапларни ўқийман: бировларнинг пулини лақиллатиб олган товламачилар ҳақида боплаб ёзасизлар. Шунақа устамонлар ҳеч нарсадан қайтмайдиган бўлишади. Она-бола У. ва М.лар мени ҳам чув туширириб кетишди. Мана бу "Тилхат"ни ўқинг. Биргина мени лақиллатса бошқа гап эди.

Қандайдир М. исмли қиз Дилобар деган аёлдан етмиш минг сўм қарз олгани ва бир ойда саксон минг сўм (ўн минг сўми "фоизи" эмиш) қилиб қайтариб бериши ҳақида хат.

— ...ўша Дилобар мен бўламан, — дея гапида давом этди опахон энди ўзини таништирган бўлиб. — Икки йил бурун тўй қиламиз, деб йиғиб қўйган пулимиз бориди, шу қизга қайданам алландик билмайман. Кўринишдан ажабтовургина. Тўрт-беш кун ишхонамизда ўралашиб юрди. Қачон қараманг, сумкачаси тўла пул. Ҳар куни юз минг сўмлаб топаман, дейдими-ей. Хоҳласангиз, сизнинг пулингизниям кўпайтириб бераман, деб қолди қизгина. Ўша тўйга йиққанимиз сал-пал кўпайиб турса ёмон бўлмасди, деган ўйда шартта бериворибман.

Опага йўл кўрсатиб юборишдан осони йўқ. Бироқ, масаланинг моҳиятига чуқурроқ назар ташласак, бу ерда жуда муҳим ижтимоий муаммо кўндаланг турибди. Сўнгги пайтларда нечундир шунақа "адашган банда"ларга кўп дуч келдим. Фалончи мендан бунча қарздор, писмадончи шунча пулимни еб кетди, қочиб юрибди ва ҳоказо. Оддий одамлар эмас: туппа-тузук зиёлилар, оқ-қорани таниган кишилар, сумбату салобатидан кўпни кўрган, "адашмайдиган" кимсалар... Ҳаммаси бирдек "қарз"га берган бўлади. Пулни олган номард албатта ваъдани "қуюқ" қилади, фалон куни мунча фоизи билан қайтараман, дейди. Оларда кирар жоним, берарда чиқар жоним, қабилида иш тутувчилар мўмайгина пулни қўлга киритганлари ҳамоно тўнларини тескари киядилар. Жонлари чиқса чиқадики, бировнинг омонати қайтиб чиқмайди...

Хуллас, шунақа "куйдирги" билан бақамти гаплашиш "истаги" пайдо бўлди. Опахонга эргашдим. Кўпқаватли уйлардан бирига етиб бордик. Йўлак олдида тўрт-беш аёл аза тутгандек хўмрайиб туришарди. Юқори қаватларга чиқиладиган зиналарда ҳам қовоқлари солинган хотинлар кимнидир кутаётгандек бетоқатлик билан ўтиришибди...

Опахон секингина шивирлади: "Булар ҳам чув тушиб ўтиришибди. Ўша она-бола ҳаммасини боплаб тушириштган..."

"Нега мелисага айтишмайди? — Шивирлаб сўрадим. — Ахир, далил-исботлари бордир?.."

"Ҳаммаям қарзини беғалва қайтариб олгиси келади-да, — деди уҳ тортиб опахон. — Қолганини М.дан сўрайсиз".

Опа кўрсатган эшик қўнғироғини босдик. Ичкаридан "Ким?" деган майингина товуш эшитилди.

— Мен, — дедим ўзимни таништириб. — Таҳририятдан келувдим, бир хат юзасидан...

Кимнидир пойлашганча зинада қаторлашиб ўтирганлар жонланиб қолдилар. "Журналистниям боплаб туширганга ўхшайди, — деди кимдир таҳликали шивирлаб. — Газетага ёзадиган бўлишса гувоҳликка ўтардик. Фақат, фамилиямизни кўрсатишмаса бўлгани..." Дилобар опа қўлини кўтарганча бошқаларни тинчитган бўлди. "Аввал шу мухбир укамиз гаплашиб кўрсинлар-чи, — деди шивирлаб. — Газетага чиқишдан қўрқишар? ..." Шивиршивир кўпайди. Бир бақалоқ хотиннинг гапи қизиқ бўлди: "Мухбир ука, ишқилиб эҳтиёт бўлинг, улар шантаж қилишданам тоймайди". "Қанақа шантаж?" секингина сўрадим. Унга бошқа бири жўяли гап "қистирган" бўлди: "Шантаж қилса биз қараб ўтирамизми?"

Эшик қия очилди, ичкарига қадам қўйишим ҳамоно истараси иссиққина қиз тезгина қулфни буради. Остонада шунчалик таҳликали ҳол юз бериб турганида қайси хонадон соҳиблари хотиржам ўтиришарди, деб ўйларсиз. Йўқ, "ташқари қор — уйимиз баҳор" қабилидаги юксак руҳ устувор эди ичкарида. Тўкин дастурхон атрофида оила аъзолари бамайлихотир телевизор томоша қилиб ўтиришибди...

Эшикни очган жиккакина қиз — М. экан. Оиланинг тўнғичи бўлган бу қиз ўн тўққизга кирибди. Пойтахт шаҳридаги қайсидир ўқув юртида сиртдан ўқир, бўш пайтларида кимларнингдир пулларини "фоиз"га "кўпайтириб бериш" билан шуғулланаркан... Онаси У. ҳам турқитароватидан ёмон хотинга ўхшамайди. Дарозгина киши эса оила бошлиғи — Н. исмли киши экан. Четдан қаралганда — ҳавас қилса арзигулик бахтиёр оила!

— Хотиним билан қизимга пул берганларнинг ўзлари ахмоқ, — деди мақсадимизни англагач сўйлоқ тишларини тиржайтирган қўйи оила бошлиғи. — Бизни тинч қўйишса, бас. Ўзлари ёшгина қизга лаққа ишонаверганлар. Тағин қўрқитмоқчи бўлишганларига куяйми? Ўзи шунақа зўравонни тополмай юрибмиз. Қани, чертиб кўришсинчи? Прокурорларнинг зўри ўзимнинг оғайним! Мелисага арз қиламан, дейдиганларим бор. Қил, дедик. Биттаси арз қилсин-чи. Иннайкейин биздан кўради кўрадиганларини. Шу совунимга кир ювадиган мард топилмаяпти-да. Биз ҳаммасига тайёр: судлашишдан ҳам қочмаймиз, "разборшик"ларидан ҳам қўрқмаймиз. Фақат, "фоиз"га берган пулларини ҳадеб сўраб майдакашлик қилишмаса, асабимизни бузишмаса бўлгани. Шундай. Биз ҳеч кўнгилқорачилик қилмаймиз, билдингизми!

Жимгина ортимга қайтарканман, йўлакда бетоқат кутиб ўтирган ҳалиги хотин шивирлаб сўради:

— Хўш, энди газетага ёзасизми? Ишқилиб, менинг исм-шарифимни ёзиб юрманг тағин...

Қулоқларимга бошқа гап кирмай зинадан пастга одимларканман, хаёлимда бошқа фикр чарх уриб айланарди: мақоламга "Қарзинг қанча, қизгина?" деб сарлавҳа қўйсаммикин ё "Қадринг қанча..." дейинми?..

Тўлқин ЭШБЕК

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Ислом ҲАМРО*, навбатчи *Бобомурод РАЙИМОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр Ҳамидов

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида, А—2 форматда, 19.866 нусхада босилди.
•
Ҳажми 2 босма табоқ
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади
•
Г — 0232

Босишга топшириш вакти 21.00. Топширилди 21.30
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА